

ЗАМОНАВИЙ ПСИХОАНАЛИТИКА ВА ИСЛОМ ПСИХОЛОГИЯСИДА ШАХС СТРУКТУРАСИГА ДОИР ҚАРАШЛАР

Aрабов Исҳоқ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Хўжакелди Алимов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,

психология фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14575483>

Аннотация. Ҳозиргача шахс ривожланишининг табиати, тузилиши ва изчил қонуниятлари бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас, бу диагностика, прогноз ва терапия усулларидан фойдаланишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ушбу тезисимизда шахс структураси (тузилиши)га оид психоаналитик ва ислом психологиясида келган қарашларнинг қисқача баёни келтириб ўтилади.

Калит сўзлар: Шахс, индивидуаллик, структура, психонализ, ислом психологияси, ид, эго, суперэго, нафс, қалб, ақл, руҳият.

Аннотация. До настоящего времени не существует единой точки зрения относительно природы, структуры и закономерностей развития личности, что оказывает негативное влияние на использование методов диагностики, прогнозирования и терапии. В данном тезисе представлен краткий обзор взглядов на структуру личности, существующих в психоанализе и исламской психологии.

Ключевые слова: Личность, индивидуальность, структура, психоанализ, исламская психология, ид, эго, суперэго, нафс, сердце, разум, духовность.

Abstract. To date, there is no unified perspective on the nature, structure, and developmental patterns of personality, which negatively affects the application of diagnostic, prognostic, and therapeutic methods. This thesis provides a brief

overview of the views on personality structure in psychoanalysis and Islamic psychology.

Keywords: Personality, individuality, structure, psychoanalysis, Islamic psychology, id, ego, superego, nafs, heart, intellect, spirituality.

Кириш.

Замонавий психоаналитика ва ислом психологиясида шахс структурасига оид қарашлар мавзуи ҳозирги замонда инсон психологияси ва унинг ривожланишини чукур ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши билан долзарб аҳамият касб этмоқда. Жамиятда шахснинг ижтимоий муносабатларда тутган ўрни ва шахсиятнинг тузилишини тушунишга бўлган қизиқиши нафақат психология ва психотерапия соҳаларида, балки таълим, тарбия ва ижтимоий ривожланиш масалаларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қадимдан инсон шахсини, хусусан, шахс тузилишини ўрганиш қўплаб олимлар, файласуфларни қизиқтириб келган масалалардан десак, янглишмаймиз. Тарихга назар соладиган бўлсак, шахсни ўрганиш асосан, антик давр олимлари давридан бошланганига гувоҳ бўламиз. XIX асрда психология алоҳида фан сифатида фалсафа таркибидан ажralиб чиққач, бу борадаги илмий изланиш ва янгиликлар янада ортди. Жумладан, психоанализ таълимоти асосчиси – Зигмунд Фрейд, Алфред Адлер, Карль Густав Юнг, Эрих Фромм, Гордон Оллпорт, Маслоу, Роджерс каби ғарб психологлари томонидан, қолаверса, Б.Г.Ананьев, А.В.Петровский, К.К.Платонов сингари рус психолог олимлари томонидан шахс структурасига оид қарашлар илгари сурилган[2,5,6,7].

Адабиётлар таҳлили ва муҳокама.

Жаҳон психологиясида юқорида айтилганидек, Зигмунд Фрейд, Алфред Адлер, Карль Густав Юнг, Эрих Фромм, Гордон Оллпорт, Маслоу, Роджерс каби ғарб психологлари томонидан, қолаверса, Б.Г.Ананьев, А.В.Петровский, К.К.Платонов, А.Н.Леонтьев, Л.И.Божович сингари олимлар томонидан шахс

ва у билан боғлиқ жараёnlар тадқиқ қилинган. Жумладан, К.К.Платонов шахсни динамик тизим, яъни функцияни сақлаб қолган ҳолда унинг таркибий элементлари асосини ва улар ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб, вақт ўтиши билан ривожланиб борувчи тизим, деб ҳисоблайди.

Шахснинг психологик тузилиши: темперамент, иродавий хусусиятлар, характер, қобилият, ҳис-туйғу, ижтимоий муносабатлар ва мотивацияни ўз ичига олади.

Таҳлил ва натижалар.

“Псиҳоанализ” йўналишига кўра шахс структураси 3 қисмдан иборат: Ид – инсоний хоҳиш-истаклар, майлларни ўз ичига олади. Фрейд уларни “Эрос” ва “Танатос”, “Либидо” ва ўлимга бўлган ўта кучли истакнинг намоён бўлишига ажратади.

Суперего – ҳам онгсиз субстанция, лекин у ривожланиш жараёнида орттирилган хулқ-автор нормалари, табулар, тақиқлар ва қоидалардан иборат.

Эго – онгсизликнинг иккита қарама-қарши энергияси – ид ва суперегонинг ўртасида турувчи структурадир. Фрейднинг фикрича, баркамол шахс бу икки тамойилни моҳирлик билан уйғунлаштириши, бошқара олиши керак. Агар, томонларнинг бирида номувофиқлик қузатилса, шахсда бу оғишларга ва ҳатто патологияларга ҳам олиб келиши мумкин.

Бу структурани ислом психологиясидаги (ёки ислом таълимотидаги) нафс (ид), ақл ёки қалб (эго), иймон-эътиқод (суперэго)га қиёс қилсак ҳам бўлади. Инсон ҳақиқатан, нафсини иймон-эътиқоднинг кўмагига таянувчи ақли ёрдамида бошқариб, тўғри йўлга бошқариб туради. Бу қиёсий таҳлилларни янада давом эттириш мумкин. Муҳими бу мавзу ўта долзарб, шу билан бирга жуда қизиқарли мавзулардандир. Айниқса, ҳар томонлама етук, баркамол шахсни камол топширишда инсон шахсияти ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш ўта муҳим ҳисобланади. Бу билимлар таълим жараёнида, ишга қабул қилишда айниқса аҳамиятли.

Мавзунинг узвий давоми бўлган ислом психологиясида ҳам инсон шахси структураси бўйича кўплаб маълумотлар келтириб ўтилган. Унга кўра, шахс – бу ҳаётдаги ҳар бир нарсада характернинг намоён бўлишидир. Ахлоқий характер яъни, чиройли хулқ-атвор – мусулмон ҳаётидаги оддий бир тушунча эмас, балки, ислом динининг асосий мақсадидир. Бу хусусида Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломдан “Иймони комил мусулмон қайси?” дея сўралди. У зот: “Гўзал хулқ-атвортага эга бўлганидир”, дедилар. Ислом таълимотида шахс деб – жисм, ақл ва руҳдан ташкил топган мавжудотга айтилади. Инсоннинг умумий психологик моҳиятини ҳамда ўзига хос характер-хусусиятининг ривожланиш жараёнини англаш учун шахснинг ички олами ёки моҳиятини тушуниш керак бўлади.

Шахснинг статистик ва динамик тузилиши мавжуд. Биринчиси, ҳақиқий ҳаётда ишлайдиган шахсдан алоҳида мавҳум модель сифатида тушунилади. Ушбу модел инсон психикасининг асосий таркибий қисмларини тавсифлайди. Унинг статистик моделида шахсият параметрларини аниқлашда асосий нуқта психика таркибий қисмларининг ўхшашлигидир.

Бундай компонентлар мавжуд: Барча одамлар учун психиканинг умумий хусусиятлари (ҳиссиётлар, идрок, ҳислар); фақат маълум ижтимоий гуруҳларга хос бўлган ҳар хил қиймат йўналишлари ва ижтимоий муносабатлар туфайли психиканинг хусусиятлари; психиканинг индивидуал хусусиятлари, улар ноёб, фақат маълум бир шахсга хосдир (характер, қобилият, темперамент).

Инсон шахсини яхшироқ тушуниш – унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни кенгроқ ўрганиш ила юзага чиқади. Мисрлик исломшунос, психолог – Муҳаммад Усмон Нажотийнинг фикрича[3], биологик, ижтимоий ва маданий омиллар бўйича маънавий жиҳатни ҳам ҳисобга олмасдан олиб борилган ҳар қандай тадқиқот шахс ҳақида ноаниқ тавсиф ва саёз холосага олиб келади. Инсон табиатининг асосий тушунчалари ва унинг имкониятларини пухтароқ ўрганиш инсон шахсини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Замонавий ислом психологияси вакилларидан Ал-Аттос фикрича, инсон икки элемент – тана ва руҳдан иборат. Бошқа олимларнинг фикрига кўра инсон – лойдан яратилган, яратилиш оламига мансуб, замон ва макон билан боғланган мавжудотдир[1]. Илоҳий оламга мансуб бўлган рух эса – эркиндинг ва бу икки боғловчи омил билан чегараланиб қолмайди. Инсон юқорида айтилганидек, тана ва руҳдан иборат. Рух – чегараланмаган, инсон мавжудлигининг асоси бўлган латиф бир нарсадир.

Куръонга кўра, барча психологик ҳодисалар нафсдан келиб чиқади, яъни нафсдан пайдо бўлади. Ўзлик – инсоннинг моҳияти бўлиб, кўпинча арабча тўртта атамадан бири билан аталади. Улар: қалб (heart), рух (soul), нафс (desire-nature) ва ақл (intellect/reason) атамалари дидир. Уларнинг ҳар бири руҳоний моҳиятни ифода этади. Ислом уламолари одатда Куръонда нафснинг энг кўп тилга олинган учта ҳолатини ажратиб кўрсатадилар:

1. Нафси аммора (энг қуий нафс) – инсонни Ҳақни инкор қилишга, ёмон ишларни бажаришга ундовчи, унга рағбатлантирувчи нафс туридир. Умуман олганда бу нафс – инсондаги салбий ҳолат ва ҳаракатларни ифодалайди. уни Фрейднинг “ид” тушунчаси сифатида кўриш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу ўзликнинг ҳайвоний даражасидир.

2. Нафси лаввома (ўз-ўзини маломат қилиш, тергаш) – Ўз хатоларидан, гуноҳларидан пушаймон бўлиб ўзини маломат қилувчи нафс туридир. У нур ва зулмат билан юзма-юз бўлган нафсдир. Нафси бу ҳолатда бўлган кишиларда оз бўлсада, охиратда хисоб бериш ваҳимаси ва қайғуси бор.

3. Нафси мутмаинна (хотиржам нафс) – етуклик мақоми бўлиб, бунда банда нафсининг ҳою ҳавасларини жиловлаб олиб, уни сокинлаштирган бўлади. Яна шунингдек, Аллоҳ рози бўлган нарсага қаноат қилиш, ички хотиржамлик ва баҳт ҳолати, дейилса ҳам бўлади.

Инсондаги асосий яна бир элемент бу қалбdir. У – Ғаззолий таъкидлаганидек, инсоннинг асл моҳиятидир. Қалб – раббоний, руҳоний ва латиф нарса бўлиб, у инсоннинг моҳиятини намоён этади. Идрок, билим ва маърифат ҳам, хитоб, итоб, иқоб ва талаб ҳам ундандир.

Шунингдек, “қалб” – луғатда бир нарсани ағдариш маъносини ҳам англатади. У бир хил турмай, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун ҳам “қалб” деб аталган.

“Фитрат” (соф, мусаффо табиат ёки соф ислом табиати) бу – Ислом психологияси вакилларидан бўлмиш Малик Бадрига кўра[8], ислом таълимотида келтирилган ахлоқий ва диний инстинкт бўлиб, у инсонни болалик пайтиданоқ Аллоҳни таниш ва яхшилик қилишга ундейди. Агар бола хулқ-автори ўзига яраша ва Худони яхши танимайдиган ота-онадан тарбия олса соф фитратидан айрилиши мумкин. Бу борада Куръони каримнинг “Рум” сураси, 30-оятда: “Бу Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир”, дея марҳамат қилинган. Имом Ан-Нававий “фитрат”ни инсон ўз эътиқодини онгли равишда англамагунига қадар мавжуд бўладиган “онгсиз ҳолат” деб таърифлаган.

Хуносалар.

Замонавий психоаналитика ва ислом психологияси шахс тузилишини инсоннинг ички моҳияти ва ижтимоий муносабатлардаги ўрни билан боғлаб тушунтиради.

Фрейд моделида шахс тузилиши ид (майллар), эго (ақл), ва суперего (ахлоқ)га бўлинади.

Ислом психологияси нафс, ақл, қалб ва рух уйғунлигига асосланади. Нафснинг уч даражаси: нафси аммора (ёмонликка мойил), нафси лаввома (пушаймон), нафси мутмаинна (хотиржам).

Фитрат – инсоннинг тұғма яхшилиги ва Аллоҳни таниш қобилиятидир.

Замонавий ва исломий қарашлар шахсни ўрганишда бир-бирини тўлдириб, ахлоқий баркамолликка эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ал-Аттос, Сайд Накийб (1993). *“Ислам ва шахсиятнинг психо-руҳий моҳияти”* (The Concept of Education in Islam: A Framework for an Islamic Philosophy of Education). Қуала-Лумпур: ISTAC. — Б. 45.

2. Кристьянсон, Р. Х. (2000). "Дин ва психология ўртасидаги ўзаро боғлиқлик". Копенгаген: Springer Press. — С. 85.
3. Нажотий, М. У. (2001). "Ислом психологияси". Қохира: Муассасат Ар-Рисола. — Б. 78.
4. Роджерс, К. (1980). "Humanistic Psychology". Нью-Йорк: Harper & Row. — С. 56.
5. Фрейд, З. (1990). "Я и Оно". Москва: Прогресс. — С. 32.
6. Эриксон, Э. (1993). "Этапы психосоциального развития личности". Москва: Педагогика. — С. 63.
7. Юнг, К. Г. (1994). "Аналитическая психология: Теория и практика". Москва: Академия. — С. 78.
8. Малик Бадри (2013). "Contemplation: An Islamic Psychospiritual Study". Куала-Лумпур: A.S. Noordeen. — С. 45.